

Эрон-форс адабиётининг отаси бўлгон улуғ Фирдавсий ёлгуз биргина асари, яъни «Шахнома» си оркасида бутун ер юзига танилди. Оврўпо тилларининг кўпига назм ва наср билан таржума килиниб «Тус»ли Абулкосимнинг шухратини офокка ёйгон — ўша «Шахнома»дир.

Факат таассуфлар бўлсунким биз, шу чоккача Фирдавсийнинг у улуғ асарини турк шеваларининг ҳеч биттасида — тугал ва назм билан таржума килингон холда — кўра олмадик. Мундан 10—15 йиллар илгари Тошкент шаҳарида босилгон бир ўзбекча таржумаси бордирким у ҳам наср билан ва факат моддий манфаат кузатиб — таржима килингон. Тош босмада босилгон у таржума хали ҳам мехмонхоналаримизни обод килиб турадир. Ўзбек шевасида назм билан бир-икки парча бўлса ҳам таржума килингонлигидан хабаримиз йўқ. Бошка турк шеваларида ҳам назм билан тугал таржума килингони бизга маълум эмас. Факат, Озарбайжон шевасида машхур Собир томонидан тажриба шаклида бир нарса бошлангон бўлса ҳам, унинг бемахал ўлими билан чала қолиб кеткан эди. Яна Озарбайжон шевасида «Шахнома»нинг «Сухроб»га тааллуқли қисми назм билан таржума килиниб, Тифлисидаги «Гайрат» босмаҳонасида босилиб чиққан эди. «Мулла Насриддин» мажмуъасининг бурунги суратчиси (рассоми) «Рўттер» томонидан у таржумага иккита сурат ҳам тортилиб берилган эди. Ўша вақтларда форс ва рус адабиётларидан хабардор бир кишига халиги таржумани кўрсатиб фикрини сўрагонимда — «бу таржумадан кўра, рус шоири Жукуфский томонидан килинган таржума яхшироқ; лекин «Рўттер»нинг торткон расми уларнинг икковидан ҳам яхшироқ», деган эди. У одамнинг шу фикри тўғрими, йўқми — бу тўғрида ақли бўлгон одамлар ўзларича бир ҳукм чиқара олсунлар деб, халиги назмли таржумадан тўрт йўл мисол кўрсатиб ўтамен: Фирдавсийники:

Хилоф маромам гар ояд жавоб,
Ман у чурзу ўз майдон Афросиёб.
Агар шохро буди падар,
Ба сар барниходи маро тожи зар.

Таржума килингони:
Хилоф маромим гелурса жавоб,
Манам гўрзу майдону. Афросиёб.
Шох ўлсайди шохнинг отаси агар,
Кўёрди маним бошима тожи зар.

Мана шу саналгонлардан бошка — хоҳ тугал ва хоҳ парча холида ҳеч бир таржумага шу чоккача учрамагон эдим. Ўткан ёз ойларида хусусий бир иш билан Маргилон шаҳрига бориб қолиб, ўшанда оддий бир тасодиф оркасида «Шахнома»нинг назм билан килингои тугал таржумасига йўлуқиб қолдим. Вақтим оз бўлгонлигидан чала-чулпа шундай бир қараб чиқдим. Ўша чала-чулпа қараб чиқишнинг натижасини шу ерда ёзиб ўтамен:

Таржума кўл ёзма — эски нусхалардан. Тили— ўзимиз билган «Мухаммадия» китобининг тилида. Бошдан-оёқ назм билан ёзилиб, фасллар (хикоялар)нинг сарлавҳалари

«Шахнома»нинг ўзидаги каби — наср билан кўйулгон. Таржума мутаржимнинг ўз калами билан ёзилгонми ёки асл нусхасидан кўчурилганми — бу тўғрида ҳеч бир ишорат кўрулмади. Фақат шу қадариси очик кўруладирким, таржуманинг шу нусхаси 2—3 котибнинг кўлидан чиққан. Яримларигача пухта ва пишиқ, лекин ўқулиши кийинрок бир хат билан — жуда диққат ва иътино қилиниб ёзилган. Колгон ярми (назм қисми) яна бошқа бир котиб томонидан иътиносизрок ва хомрок кўчурилган. Охиррокларида «Хикоя дар хотимаи китоби» сарлавҳаси билан Султон Махмуд Газнавий тўғрисида бир хикоя бошланадир. Бу хикоя тугалмай қоладир ва ундан ҳеч нарса онглаб бўлмайдир. Айниқса, охирги йўллари (мисралари) жуда шошилишлиқ билан (опил-топил) ёзилгон.

Энди таржуманинг қачон ва ким томонидан қилинганлигига келайлик. Қачон ва қайси йилда қилинганми ҳеч қайда рақамлар билан очик-оқил кўрсатилмайдир. Лекин 906 нчи хижрийда Мисрдаги чарқас хонларидан «Гурий Консухон»(?) замонида бўлганлигига мана бу байтларда ишоратлар бор: (ўзича) 19-бет).

Тўккуз юз олти йил хижратдан эй жон,
Эришмишдики Гурий Султон. (Аслида сакта бор).
«Жахон Султони Гурий Консухон,
Замонинг айини ичра ўлди инсон. (Аслида сакта бор).

Шаввол ойида ийднинг аввалида бу таржумага кўшиш бошлангани мана бу байтдан маълум бўладир:

Нахорийид шаввол аввалиндан,
Муборак ўлди бу фол аввалиндан.

Мутаржим, «Черқас хонлари» (милук чарқаса) дан бир нечтасини битта-битта хикоя қилиб келиб, уларнинг бир оз умр суриб ўтқанликларини айтиб ўтадир. Охирда золим бир хондан гап очиб, уни ёмонлайдир. Мутаржимнинг сўзича, у хон, «Малик Одил» деган киши бўлиб, Жонпўлот («Жонплад») ни ўлтирадир. Унинг тўғрисида мутаржим мана шундай дейдир:

Жавониди ўзи юзи кўкчак,
Сўрди улув кечи они бешак.
«Вале айш айламади тахта лойик,
Ўзин сўмди ул учун халойик.

Мутаржимнинг сўзича халқ у хоннинг зулмидан кўп дод-фигон қилгон; охирда халқнинг «Ноласи асар қилиб» Малик Одилнинг ўрнига халиги Гурий Консухон ўтургон ва «Шахнома»ни «туркча қил!» деб мутаржимга ўша Гурий Консухон буюргон. Бу одамнинг тўғрисида мутаржим бир мунча «мадҳиялар» ёзадир, чунончи:

Мисрда вор эди бир улу султон
Ки ул эди каму султонлара хон.
Жанон айлади додила Жахони,
У етмишдир замонинда замони. (20-бет)
Сқандар мартабат Жамшид рубат,
Фаридун шавкат ва Хуршид талъат.
Азалдан саъдога (анго) ўлмиш мукорин
Билур Шом эмишнинг бир-бир диёрин.

Малик Одилнинг зулмларидан гапириб келиб, унинг ўрнига Гурий Консухоннинг ўлтириши тўғрисида мана шундай дейдир:

Ўтуруб тахта ўлди улу султон,
Ўлуб чавкону тўби тутди майдон.

Гурий Консухоннинг бир исми «Кайитпой» бўлгон бўлса керакким, у тўғрида мана мундой дейдир:

Кайитпой эрди ул султоннинг оди,
Жахонни тутмишиди адлу доди.

Мутаржим Гўрий Консухонга бир оз насихат ҳам килиб ўтадир. Сарой шоирларига хос «лаганбардорлик» билан айтилган у насихатлар мана булар:

Чалап чун верди санитар бу макоми (чалап — тангри).

Макома адлла вергил низоми.

Киши колмаз жахонда колур оди,
Кишининг оди колмоқдир муроди.

Гурий Консухон аввал «Шахнома»ни таржума кил деб, ўз хазинасида сакланиб ёткон камёб бир нусхасини колдириб чикиб берганда, бизнинг мутаржим бир оз «ноз» килгон. «Кўлимдан келмайдир, фалон» деган. Сўнгра «кўлингдан келгани кадар кил» деб кистагоч «ночор-ноилож» кабул килгон. Таржумага бошлар чокда ўзининг «камтарин», «ожиз» ва «хакир»лигидан гапириб келиб ўша холига мана бу байт билан мактаниб ҳам кўядир:

Диламаз кимса муфлис йўлчидан бож,
Хирож ўлмаз хароба ердан ихрож.

Сўнгра ўзига хитоб килиб гап бошлайдир. Ана ўша гапларидан биз унинг исмини ҳам билиб оламиз. Мана у байтлар: (21-бет)

Расулнинг олийсан чўг айлама ол,

Кўгдири бу китоби алинга ол.

Кел эй сайид ку[1] даъвонинг макомин,

Биз арз айла «Шахнома» каломин.

Таржума «Шахнома» асосий кисми «Омадани нома ба Саъд Ваккос» деган фасл билан тугайдир. У фаслнинг сўнг байтлари мана булар:

Буроя эрди сатранж хикоят,

Бу навъа айлади ровий ривоят.

Бу сатранжа демишлар неча абёт.

Дигар хар бириси бир уртулу от.

Юкорида айтилиб ўтилган «Хикоя дар хотимаи китоб» сарлавхали хикояси мана бу байт билан тугайдир:

Бу фикр ичинда саргардон хайрон,

Ки амр этмиш эди Махмуд Султон.

Сўнгра наср билан султон Махмуд Газнавий билан Фирдавсий ўртасида бўлиб ўткан

маълум воқеа хикоя қилинадир. Мутаржим у хикояни наср билан ёзгонини хикоя қилиб туруб, дейдир:

«Бази «Шахнома»ларнинг зохирида бу хикояти ажам дилинжа нашрила ёзмишлар, биз дохи ул тартиб узра туркия дўндирмий баён айлурумиз».

Бу хикоя ҳам икки хил қалам билан ёзилгон. Охирларида хатларини ўқуш қийинлашадир. У қийин хатлар, бир хил эрон ёзма хати билан усмонлича ёзманинг ўртасида — мужмал бир хат. Энг охирида яна бошқа бир қўл билан (сўнгрот қўшулгон бўлса керак) худди ёш болаларнинг қизиқ ўйнашларига ўхшатилиб мана бу нарсга ёзилгон.

Канда ворам сарви сарафрозим воркан,
Ё кима кул улойим сиз афандим воркан...

[1] Қўй.

«Шахнома»нинг туркча таржумаси — «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1925 йил 5—6 қўшма сониди босилган.

Тусли Абулқосим — буюк «Шохнома» муаллифи Абулқосим Фирдавсийнинг (тахм. 940—1020-1030) Тус шаҳрида тугилгани назарда тутиляпти.

Офок — ар., жаҳон, дунё.

«Озарбойжон иловасида...» — муаллиф пазарда тутган «машхур Собир» таржимаси хақида маълумотга эга эмасмиз. Озарбойжон тилига Рашид Афандизода томонидан 1906 йилда таржима қилинган «Рустам ва Сухроб» достони шу достоннинг назми таржимаси эса 1908 йилда Аббос Гоибов томонидан амалга оширилади ва Тбилисидаги «Гайрат» босмахонасида чоп этилади.

Сухроб — «Шохнома» қахрамонларидан бири, Рустамнинг ўғли.

«Мулло Насриддин» — 1906 — 1930-йилларда Боқуда чоп этилган ҳажвий- суратли журнал.

«Жуковский томонидан қилинган таржима...» — машхур рус шоири В. А. Жуковский (1783—1852) «Рустам ва Сухроб» достонини немис тилидан таржима қилган. Гарчи таржима воситачи тил орқали амалга оширилган бўлса-да, рус китобхони ўтган асрнинг ўрталаридаёқ (1847) бу достон сюжети билан танишган.

Султон Махмуд Газнавий — газнавийлар давлатининг асосчиси, Газна амири Саук тегиннинг ўғли, тугилган йили номаълум, 1030 йилда вафот этган.

«Мисрдаги черкас хонларидан Гурий Консухон замонида...» — мамлуклар султони Гурий Кансук усмоний турклардан енгилган (1517) дан сўнг уларнинг давлатига путур етган.

Чўлпон назарида тутган таржима Шариф Амидий (1510 йилда вафот этган) томонидан амалга оширилган таржима нусхаларидан бўлиши керак.

Шаввол ойи — Хижрий йил хисобидаги ўнинчи (Рамазони шарифдан кейинги) ой.

«Черкас хонлари» — мамлуклар династиясининг султонлари черкас сарбозларининг авлодлари саналади. Малик Одил, Жонпўлатлар шу султонлардан бўлса керак.

Шом — мамлуклар давлати таркибига кирган Суриянинг шаркдаги номланиши.